СОЛИҚ ВА БОШҚА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШДАН БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИНИНГ КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ

Бекназов Шаҳриёр Бобур ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси
Тергов фаолияти магистратура тингловчиси

Аннотация. *Солиқ соҳасидаги жиноятлар солиқларни бюджетларга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушишига тўсқинлик қилади. Бу эса ўз-ўзидан давлат иқтисодининг нормал ишлашига таъсирини кўрсатиб, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига, давлат ижтимоий-иқтисодий дастурларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилади.*

Таянч сўзлар. *Солиқ, солиқдан бўйин товлаш, солиқдан қочиш, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш, солиққа оид ҳуқуқбузарлик.*

Узбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда ўзининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида бозорда тенг рақобат муҳитини яратиш ва ҳалол, пок тадбиркорларни – замонавий технология асосида ишлаётган виждонли тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида яширин иқтисодиётни қисқартиришга қаратилган механизмлар жорий этилиши заруриятини алоҳида таъкидлаб ўтганлар. Яширин иқтисодиёт ва легал иқтисодиёт ўртасидаги фарқ ва тафовутлар ҳамма учун маълум ва тушунарли бўлган ҳуқуқий мезонлар асосида белгилаб қўйилмоғи лозим бўлиб ҳисобланади. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятининг легал тушунчаси ва уни аниқлашнинг содда методологияси, ҳуқуқ тартиботни асосий юридик воситаларидан бўлиши шартдир.

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш – бу юридик ёки жисмоний шахс фаол ҳаракатлар эвазига ўзини у ёки бу солиқ турини тўловчилари қаторидан чиқариб (яъни, шу солиқни тўламасдан) ўз солиқ мажбуриятларини минималлаштириш шаклидир.

Хусусан, иқтисодиёт асосларига қарши ва хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларнинг статистикасини йиллар кесимида таҳлил қилар эканмиз, ушбу турдаги жиноятлар 2018 йилда 6704 та, 2019 йилда 7538 та, 2020 йилда 10005 та ва 2021 йилда эса бу кўрсаткич 33959 тани ташкил этганлигини кўришимиз мумкин[1].

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш ўз хусусиятига кўра, тартиб-қоидаларга амал қилмаслик йўли билан амалга оширилади, шу билан бирга солиқ қонунчилигидаги ҳар қандай бўшлиқларни топиб, бундай камчиликлардан фойдаланилади.

Солиқлар ва бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш натижасида давлат бюджетига маблағ келиб тушишининг камайиши ҳисобига ижтимоий соҳа етарли даражада молиялаштирилмайди, ҳалол рақобат қоидалари бузилади, солиқдан қочганларнинг даромадлари кўпайиб боради, коррупция даражаси ўсиб боради ва охир оқибатда солиқ тўлашдан бўйин товлаш эвазига тўпланган капитал хорижга чиқиб кетади.

Шундай экан, агарда бухгалтерия ҳужжатларини юритиш жараёнида тўлиқ, узлуксиз ва ўзаро боғлиқ бўлган хўжалик операциялари юритилса, бундай тақдирда солиқдан қочишнинг барча белгиларини яширишни асло имкони мавжуд эмас. Шу билан бир қаторда, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг ҳар бир турлари ўзининг ҳисобга олиш шакли иқтисодий кўрсаткичларининг тизими орқали фарқланади.

Ҳуқуқбузар солиқдан бўйин товлаш усулини танлаётганида бухгалтерия тизими орқали етарлича ҳимояланмаган йўлларни инобатга олган ҳолда, қонун ҳужжатларидаги

[1] www.stat.com

бўшлиқларга ва бухгалтерия тизимининг кўзда тутилмаган камчиликларига эътиборини қаратади.

Рус олими Г.Меретуков хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқдан ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш ҳаракатлари амалга оширилган пайтда бухгалтерия ҳужжатларида қоладиган изларни иқтисодий, ҳужжатли ва бухгалтерия каби уч турга бўлиб ўрганган[2]. Унга кўра, ҳужжатли излар хўжалик фаолиятига оид операцияларнинг бирламчи рўйхатга олиниши ва инвентаризация материалларида, бухгалтерияга оид излар эса ўз номи билан бухгалтерия ҳужжатларида ўз аксини топади. Бунда бирламчи ҳужжатлар билан ҳақиқатда амалга оширилган хўжалик операциялари ўртасида тафовут келиб чиқиши кузатилади. Иқтисодий излар эса ҳисобот тизимлари ва аналитик кўрсаткичларда намён бўлади. Уларни аниқлаш учун эса ҳужжатли, бухгалтерия ва иқтисодий таҳлил методларидан фойдаланилади.

Қуйидагилар солиққа оид жиноятлардан қоладиган криминалистик излар бўлиб ҳисобланади:

- ўтказилган хўжалик амалиётлари билан қайд этилган ҳужжатлар бир-бирига тўғри келмаслиги;
- бирламчи ва ҳисобот ҳужжатларининг бир-бирига мос келмаслиги;
- даромадлар ва ҳисобланган солиқларга алоқадор ҳужжатларда қалбакилаштириш аломатларининг мавжудлиги;

Юқоридагилардан фарқли равишда солиққа оид жиноятларнинг кўзга ташланмайдиган белгилари ҳам мавжуд бўлиб, уларни қуйидаги рўйхатда кўришимиз мумкин:

- бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот топшириш қоида ҳамда талабларига риоя этмаслик;
- касса апарати билан боғлиқ амалиётнинг нотўғри бажариб келинганлиги;
- товар ва ҳомашёларнинг асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилиши;
- ҳужжат алмашиш тизимининг нотўғри йўлга қўйилганлиги ва бошқалар.

Солиқ тўловчилар учун солиқ ёки бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ва бошқа ҳаракатларни содир этиш имкониятини яратувчи ташкилий-бошқарув соҳасидаги камчилик (омил)лар ичида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби билан боғлиқ камчиликлар муҳим рўл ўйнайди.

Юқорида келтириб ўтилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш учун қонунда юридик шахс тушунчасини аниқ ва тушунарли тарзда белгилаб қўйилиши ва сохта манзиллар бўйича рўйхатдан ўтказишга қарши курашиш чораларини кучайтириш лозим бўлиб ҳисобланади. Зеро, хўжалик юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказишнинг соддалаштирилган тартиби криминал фаоллик, хусусан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг камайишида муҳим аҳамият касб этади.

Турли типдаги мулк шаклига мансуб бўлган йирик корхоналарнинг раҳбарлари ўртасида ўтказилган махсус сўровлар респондентларнинг 4% дан кўпроғи миллий солиқ тизимининг самарали фаолият юритмаётганлигини таъкидлашган. Аксарият тадбиркорларнинг қайд этишича, амалдаги солиқ тизими инвестицияларнинг кириб келишига тўсқинлик қилиб, инфляцияни кучайтиради, таркибий ўзгаришларга монелик қилади ва солиқдан бўйин товлашга туртки беради.

Солиқлар ва бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлашга қарши курашиш чора-тадбирлари сифатида қуйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин:

[2] Меретуков Г.М. Методика расследования должностных преступлений: Учеб. пособие /Меретуков Г.М. – Краснодар: Куб ГАУ, 2013. – 211 с.

- жисмоний ва юридик шахслар учун солиқ юкини камайтириш;
- солиқлар сонини камайтириш ва оқилоналаштириш;
- солиқ ставкаларини мақбул даражада пасайтириш;
- солиққа тортиш базасини оқилоналаштириш;
- солиқ имтиёзларини кескин камайтириш ва мувофиқлаштириш орқали тадбирокрлар учун тенг рақобат шароитини яратиш;
- бизнес юритиш учун янада қулай шароитларни яратиш;
- солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, босқичма-босқич "рақамли иқтисодиёт" тамойилларини жорий этиш;
- мамлакат тараққиётининг таянчи бўлган инсофли, ҳалол солиқ тўловчиларни рағбатлантириш;
- солиқдан қочиш ва бўйин товлаш ҳолатлари учун жиноий ва маъмурий жавобгарликни янада кучайтириш.

References

1. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: "Меҳнат", 1995 й., 377-бет.

2. Ивлиева М.Ф. Налогооблажение производственных кооперативов. Правовые вопросы: Дисс.канд.юрид.наук. – М., 1991. С.37.

3. Маҳкамов.О. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Докторлик диссертацияси – Т., 2015 – 22- б.

4. Александров И.В. Налоговые преступления: Криминалистические проблемы расследования. СПб., 2002. – С 34,37.

5. Брызгалин А.В., Верник В.Р., Головкин А.Н. Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации, арбитражная практика // Налоги и финансовое право. – М., 2002. №6. – С.45.

6. Lydia Ginzburg's. Alternative Literary Identities / Ed. by Emily Van Buskirk and Andrei Zorin. Oxford: Peter Lang, 2012.

7. Ubaydullaev Sardor. Conceptual fundamentals of tax revenue in the system of tax relations. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 11. pp.80-87

8. Narzullayevna, S. N., & Odina, B. Linguistic skills such as familiarity with grammatical structures, vocabulary, and phonetics. *Sciencepublish. org*, 41.

9. Fayzullayeva, M. B. (2021). USING TECHNOLOGIES IN THE ENGLISH LANGUAGE LEARNING AND TEACHING. *ResearchJet Journal of Analysis and Inventions*, *2*(5), 1-5.

10. qizi Abduraximova, F. K. (2023). INGLIZ TILINI O 'QITISHDA MAQOLLARNING ROLI. *SCHOLAR*, *1*(12), 123-127.